2009-yil 17-yanvar № 7 (2576) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

# Иқтидорли мутахассислар — мамлакатимиз келажаги

■ Тадбир


Икром ҲАСАНОВ олган сурат

## Мукофотлар топширилди

**Шу йилнинг 13 январ куни газетамизда «Мен — ёшликман» ва «Эътироф» танловларининг ғолиблари эълон қилинган эди. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан таҳририятда ўтказилган тадбирда ғолибларга мукофот ва сертификатлар топширилди.**

Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқов олиб борди. Мукофотланганларни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Малика Жалилова, ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлим мудири Асқарали Султонов ва бошқалар табриклаб, бундай танловларнинг ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

— Мен бугун шу ерда ўтириб, ёшларга қараганча, «Биз шу ёшда қандай бўлган эдик, нима ишлар қилишга улгурган эдик?» дея ўйлаб қолдим, — дейди халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Буларнинг шижоати, кўзларида чақнаб турган ўт юртимизнинг келажаги ишончли қўлларда эканидан далолат беради. Қаламни эса ҳар ким ҳам тебратавермайди. Ғолибларимизнинг кейинги ижодий ишларида чин дилдан парвозлар тилайман.

Шунингдек, йиғинда танлов ғолиблари ҳам сўз олиб, барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдиришди.

— Гарчи «Мен — ёшликман» танловига туркум шеърий таржималаримни жўнатган бўлсам-да, бунчалик эътиборни кутмаган эдим, — дейди ЎзМУ журналистика факултети магистранти Дилфуза Холматова. — Бугунги мукофотдан жудаям руҳланиб кетдим. Ҳозир инглиз тилидан асарлар таржима қилаяпман. Газетангиз билан ҳамкорликни, албатта, давом эттираман.

Қизғин ва самимий руҳда ўтган тадбир барча иштирокчиларда байрамона кайфият уйғотди.

**Ўз мухбиримиз**

■ Санъатимиз устахонасида

## Муносиб ижодкорлар тайёрланади

Бу йил коллежимиз ташкил этилганининг тўқсон йиллиги нишонланади. Юбилейга ҳозирданоқ тайёргарлик бошлаб юборилган. Биз шу даргоҳда таҳсил олаётганимиздан фахрланамиз. Негаки, республикадаги таниқли рассомлар, ҳайкалтарошлар, санъатшунослар, дизайнерлар шу даргоҳда ўқишган. Айни вақтда бизга сабоқ бераётган педагогларнинг аксарияти катта тажрибага эга. Ўзбекистон халқ устаси Ортиқ Файзуллаев, рангтасвир билимдонлари — Ҳаким Мирзааҳмедов, Анвар Мамажонов, Нина Петрова, Анвар Аҳмедов, Абдусамад Саидбердиев каби ўқитувчилар етук кадрлар тайёрлаш мақсадида бор кучини сарфламоқдалар.

Коллежимизда дастгоҳли рангтасвир, дастгоҳли графика, лак миниатюраси, театр грими, ҳайкалтарошлик, санъатшунослик, маҳобатли рангтасвир, музейшунослик, санъат асарларини таъмирлаш ва қайта ишлаш, театр саҳнасини безатиш сингари ўнлаб соҳалар бўйича ҳар йили юзлаб ўқувчилар таҳсил олишади. Бу ерда тартиб-интизомга жиддий эътибор берилади. Кўрик-танловларда иштирок этиш борасида коллежимиз ўқувчиларининг олдига тушадиган бўлмаса керак. Чунки бу ерда таҳсил олаётганлар йилига кўплаб халқаро танловларда қатнашишади, аксарият ҳолларда юқори ўринларга сазовор бўлишади. Биргина мисол, 2008 йилда ҳам коллежимизнинг беш ўқувчиси «Келажак овози» танловида қатнашиб, совриндор бўлди.

Мен театр либослари дизайнерлиги гуруҳининг биринчи босқичида ўқияпман. Ўзим яратган либосларни тикишим ва коллежда ўтадиган кўргазмада намойиш этишим керак. Бундай кўргазмаларда ўқувчиларнинг ижодий ишларини малакали педагог ва рассомлар баҳолашади. Бу биринчи босқич ўқувчилари учун дастлабки синовдир. Коллежда бундай кўргазмаларнинг тез-тез ўтказилиши ҳар биримизни янада кўпроқ ўқиб-ўрганишга ундайди. Келажакда моҳир дизайнер бўлишни орзу қиламан.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**Республика рассомлик коллежининг биринчи босқич ўқувчиси**

■ Таълим тўғрисидаги Миллий дастур — амалда

## Орзудаги ўқув маскани

Гулистон шаҳридаги компютер ва ахборот технологиялари коллежида 4 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Айни пайтда унда мингдан зиёд ёшлар таҳсил олаяпти.

Халқаро ҳамкорлик асосидаги Ўзбекистон-Германия лойиҳаси бизда қизиқиш уйғотди ва шу йўналишда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

— Мазкур йўналиш, — деди коллеж раҳбарининг муовини Равшан Усмонов, — ривожланган давлатларда шаклланиб, ҳаёт синовидан ўтган илғор ўқитиш тажрибасининг юртимизда қўлланиши билан боғлиқ. Бу йўналишда ишлаётган барча ўқитувчиларимиз таъсисчи — Германия-Ўзбекистон ўқув корпусининг Тошкентдаги бўлимида амалиёт ўтаб қайтишди. Бу ерда таълим асосан немис мутахассислари таъсис этган илмий адабиётлар асосида олиб борилади.

Коллежда турли илмий-ижтимоий лойиҳалар амалга оширилаяпти. Вилоят коллежлари ва лицейларининг сайтлари яратилиб, интернет дастурига киритилди.

Иқтидорли талабалар турли фан олимпиадаларида ютуқларга эришмоқда. Ўтган йили фан олимпиадаларида коллежимизнинг 6 талабаси фахрли ўринларни қўлга киритди.

Бу ерда футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, теннис корти, шунингдек, тренажёрлар талабалар ихтиёрида. Айниқса, миллий кураш, шахмат, шашка, минифутболга қизиқиш катта. Ўқувчиларнинг 10 нафари вилоят терма жамоаси аъзоси. 2007 — 2008-йилларда жамоа коллежлар ўртасида бўлиб ўтган ҳарбий спорт мусобақаларида совринли ўринни эгаллади. Талаба Улуғбек Ҳотамов эса кикбоксинг бўйича Осиё ва Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Коллежда ташкил этилган «Иқтидорли ёшлар маркази»га ёш мутахассис Шаҳноза Шукурова раҳбарлик қилади. Бу ерда иқтисод, тил ўрганиш ва компютер йўналишларида билим олиш учун етарли шароит яратилган.

Ахборот-ресурс маркази фаолияти ҳам эътиборга молик. Унда 15.253 нусха китоб мавжуд. Марказ ўқув ва электрон заллар, дарслик ва қўлланмалар билан тўлиқ таъминланган.

— Марказ бутун коллежимиз ҳаётининг кўзгуси десак, янглишмаган бўламиз, — дейди коллеж раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Алишер Бурхонов. — Китоб фонди ҳар йили тўлдириб борилади.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

**Нефтчилар кўрғонидаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишчи-хизматчилари истиқомат қилиши учун қурилган замонавий қулайликларга эга 19 та янги коттеж калитлари эгаларига топширилди. Корхона фойдаси ҳисобидан бунёд этилган ушбу хонадонлардан иккитаси ёш оилаларга насиб этди.**

## Янги уйлар муборак!

— Янги йилда янги уйга эга бўлганимиз оиламиз аъзоларини беҳад қувонтирди, — дейди заводнинг 4-цехи оператори Феруза Йўлдошева. — Пишиқ ғиштдан қурилган кенг ва ёруғ хоналар, ёрдамчи хўжалик иншоотлари, томорқа ҳамда гулзорлар бизнинг фаровон ҳаёт кечиришимиз, унумли меҳнат қилишимизни, фарзандларимизнинг яхши ўқишлари учун муҳим аҳамият касб этади. Бундай ғамхўрлик учун завод маъмуриятига чексиз миннатдорлик билдираман.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**«Микрокредитбанк» Қорақалпоғистон Республикаси филиали намунали фаолият юритмоқда. Унинг тасарруфидаги учта филиал, ўттизта минибанк ва икки агентликда хизмат қилаётган малакали мутахассислар мижоз ишончини қозониш, банк хизмати кўрсатиш савиясини янада ошириш борасида доимий изланишда.**

## Мижозлар мамнун

Ўтган йили банк мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларига уч ярим миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратиб, бир ярим миллиард сўмдан зиёд микролизинг хизматлари кўрсатган эди. Ушбу кредитлар Қорақалпоғистонда уч мингга яқин янги иш ўрни яратилишига сабаб бўлди.

— Банк кредити ҳисобига, «Кенжа-Ниҳол» тикувчилик фирмасини ташкил қилдик, — дейди тўрткўллик Давронбек Айтбоев. — Шу асосда саккиз нафар хотин-қизни иш билан таъминлашга муваффақ бўлдик. Хизматлар сифатлилиги мижозларга маъқул бўлмоқда. Фойда ҳам оз эмас. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам банк кўмагига суянамиз.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Деҳқонобод тумани Тоғайтемир қишлоғидаги 5-мактаб биноси эскириб, авария ҳолатига келиб қолган эди. Уни қайтадан замонавий кўринишда барпо этиш режалаштирилди.**

## Хайрли ташаббус

Айни кунларда қишлоқ марказида 270 ўринли икки қаватли янги мактаб биноси қурилиши тумандаги «Баҳодир» хусусий фирмасининг 30 нафар қурувчиси томонидан жадал суръатда олиб борилмоқда.

— Қурилиш мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида ниҳоясига етказилади, — дейди фирма иш юритувчиси Муродулла Соатов. — 550 млн. сўмлик қурилиш-монтаж юмушларини бажариш кўзда тутилган. Бунёдкорларнинг унумли ишлаши ва яхши дам олиши учун барча шароит яратилган.

Муҳташам мактаб қад ростлаётганидан беҳад мамнун тоғайтемирликлар томошабин бўлиб тургани йўқ. Мактаб директори Панжи Тўрақулов, маҳалла оқсоқоли Абдулла Авазов, «Қўрғонтош» ҚФЙ раиси Баҳодир Янгибоевлар қурувчиларнинг иссиқ овқатини зиммасига олишди. Қишлоқдаги фермерлар, тадбиркорлар ва бошқа кўплаб ҳимматли инсонлар бу хайрли ташаббусни давом эттириш ниятида.

**Парда ҲАКИМОВ,**
**Деҳқонобод тумани**

**«Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли қуюв-механика заводида маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қатор ишлар қилинмоқда.**

## Хизматидан кўпчилик мамнун

Бунда корхона касаба уюшма ташкилотининг ўрни катта. Қизил яримой жамияти темирйўл кенгаши билан ҳамкорликда кўрсатилаётган моддий ёрдам кўлами ҳам ортиб бормоқда. Корхона ҳузурида ташкил этилган тиббиёт пункти хизматидан кўпчилик мамнун. Бу ерда фитобар, гинекология, муолажа олиш хоналари ишлаб турибди. Мазкур пункт Тошкентдаги Марказий темирйўлчилар поликлиникаси оталиғига олинди. Бу эса унинг фаолиятини кенгроқ йўлга қўйиш имконини берди.

Айни вақтда пункт бир миллион сўмлик дори-дармон билан таъминланди.

**Акбар АЛИЕВ**



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги

**Курортлар бошқармаси**

Йилнинг тўрт фаслида фаолият юритаётган, шифобахш табиий иқлим, маъданли сувларга бой, барча имкониятларга эга бўлган, замонавий жиҳозланган «ОҚТОШ», «ЧИНОБОД», «УМИД ГУЛШАНИ», «ТУРОН», «ЗОМИН», «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА», «ХОНҚА», «ЧОРТОҚ», «КОСОНСОЙ», «ЧИМЁН», «БОТАНИКА», «БЎСТОН», «АБУ АЛИ ИБН СИНО», «НИҲОЛ», «МИРОҚИ», «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» санаторийларига таклиф қилади.

Сизга сиҳат-саломатлик ва кўнгилли ҳордиқ тилаймиз! Мулоқот учун телефон: 256-85-68, 256-78-15

## Чорвачилик — касаба уюшмаси эътиборида

**Бултурги қиш чорвадорларимизни жиддий синовдан ўтказди. Бундан тўғри хулоса чиқарган қашқадарёликлар бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик кўришди.**

# Янги лойиҳа амалда



— Касаба уюшмаларининг жамоат чорвачилигини ривожлантиришга эътибори янада кучайди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов. — Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қўйилган вазифалар асосида қишловни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари белгиланиб, муваффақиятли амалга оширилаяпти. Касаба уюшма фаолларидан ташкил топган гуруҳлар ферма ва отарларда бўлиб, чорвадорларнинг ҳолидан хабар олиб турибди.

Уларга ун, гуруч, мой, шакар ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди. Чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланди. Ҳар бир молга 8 озуқа бирлиги миқдорида хашак тўпланди. Жойларда 189 та омихта ем тарқатадиган пункт ишлаб турибди. Айни пайтда озуқабоп экинлар учун 22 минг гектар ер ажратилган бўлса, келгусида бу миқдор 33 минг гектарга етказилади. Наслчилик ишлари яхшиланмоқда. Хориждан наслдор қорамоллар келтирилиб, кўпайтирилаяпти. Кам таъминланган оилаларга тўрт мингдан зиёд сигир тарқатилди.

Ҳозирги кунда вилоятда 871.923 бош қорамол боқилаётган бўлса, 2011 йилга бориб, уларнинг сонини 1 миллиондан ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик каби сердаромад тармоқларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Яна бир янгилик. Айрим фермер хўжаликларида тўпланган гўнгдан биореакторлар ёрдамида арзон электр энергияси олиш лойиҳалари татбиқ этилаяпти.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Норменгли Худоёровнинг таъкидлашича, бутун эътибор қишловни хатарсиз ўтказиш, моллар сони ва маҳсулдорлигини оширишга қаратилган. Қилинган ишлар вилоят ҳокимиятида ойма-ой таҳлил этилиб, муаммоларнинг ечимини топиш, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилаяпти.

Биз агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Илҳом Сабдаровни чорвадорлар ҳузурига отланиб турган пайтда учратдик. Раис билан бирга Чироқчи туманига жўнадик.

— Асосий вазифамиз — 101.700 бош қорамол ва 353.586 бош қўй-эчкини қишловдан чиқимсиз олиб чиқиш, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Мўмин Турдиев. — Воҳамиздаги чорванинг 15-16 фоизи бизнинг яйловларда боқилади. Қишлов учун етарли миқдорда озуқа тўпланган.

Касаба уюшма фаоллари билан «Сайдулла бобо набираси Жалолиддин» масъулияти чекланган жамияти чорвадорлари ҳузурида бўлдик. Фозил Сайдуллаев раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари ҳар бир сигирдан 3000 литрдан сут соғиб олишибди. Собиқ «Зарбдор» хўжалигининг сут-товар фермаси базасида ташкил этилган МЧЖ наслдор моллар етиштириб беришга муносиб ҳисса қўшаяпти. Фозил чорвачилик сирларини бу тармоқда кўп йиллар ишлаб тажриба орттирган машҳур чорвадор тоғаси Маманазар ҳожи Пирназаровдан ўрганган.

Бир неча йиллар Нишон туманида фермер хўжалигини бошқарган. Икки йил аввал она қишлоғи Наймансаройга келиб, чорвачилик билан шуғулланадиган жамиятга раислик қила бошлади ва «Норқобилов Бердираҳмат» фермер хўжалигини тузди. Қишлоқдаги мактаб-интернатнинг битирувчилари Степан, Муҳаммад, Рустам ва Оксаналарни ишга олиб, чорвадорлик касбини ўргатди.

Жамият аъзолари аукционларда қатнашиб, ҳар бири кунига 20-25 литр сут берадиган қизилчўл зотли говмишлардан 25 тасини сотди. Келгусида бундай серсут сигирлардан элликтаси воҳа хўжаликларига етказиб берилади.

— Қишга яхши тайёргарлик кўрганмиз, — дейди Ф.Сайдуллаев. — Хашак ва ем етарли. Келгусида озуқабоп экинлар экиладиган майдонларни 80 гектарга етказамиз. Ўтган йилни 35 миллион сўм соф фойда билан якунладик. Олинган фойдага нон ишлаб чиқариладиган цех харид қиламиз. Яқинда балиқчиликни йўлга қўйдик.

Фермада 255 та қорамол парваришланаяпти. Маҳсулот кўпайиб, ходимларнинг фаровон турмуш кечириши таъминланмоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

## Тадбиркор — элга мададкор

**Янгиер шаҳридаги ишбилармон инсонлар ҳақида гап кетганда Мўминовлар оиласи ҳам албатта тилга олинади. Оилада чинордай саккиз ўғил, сарвдек икки қиз вояга етди.**

# Ишли одам — тишли одам

Хонадон соҳиби Валижон бобо бугунги кунда табаррук саксон ёшини қаршиламоқда. Тўғри тарбия туфайли ўғлонлар эл корига ярайдиган, одоб-ахлоқли, ишбилармон инсонлар бўлиб камолга етди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан шаҳардаги қаровсиз бинолар ободонлаштирилиб, «Мўмин ота» чойхонаси, «Янгиер» тўйхонаси бунёд этилди. Бугун бу кўркам биноларда шаҳар аҳлининг тўй-тантаналари ўтказилаяпти.

Ака-ука тадбиркорлар, шунингдек, Боёвут, Ховос туманларида сутни қайта ишлаш корхонаси, чорвачилик фермаси, спорт маркази, тикувчилик цехи, савдо дўкони, янги дорихона ҳам бунёд этиб, кўплаб ёшларни иш билан таъминладилар. Янгиер шаҳрида терини қайта ишлаш цехини ташкил этишди. Чехия ва Россия дастгоҳлари ўрнатилиб, маҳаллий аҳолидан сотиб олинган тери ошланиб, қайта ишлана бошлади. Энг муҳими, бозор нархидан анча арзон ва сифатли.



— Буюртмачиларимиз жуда кўп, — дейди тикувчилик цехи бошлиғи Латофат Маҳматкаримова. — Маҳсулотларимизга талаб кундан-кунга ошаяпти. Шу боис уларни дўконларга ҳам чиқараяпмиз. Маошимиз ҳам юқори. Яхши ишлаган тикувчилар мукофот ҳам олмоқда.

Жамоа фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, ундаги 20 нафар ишчи учун етарли шароит яратилганига гувоҳ бўлдик. Ишлаб чиқариш қувватининг ошиши ҳисобига бу йил яна 60-80 киши иш билан таъминланади.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Касаба уюшмаси ва маънавият



**Мамлакатимизда миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш бўйича касаба уюшмалари бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.**

# Эзгулик қаноти

Ўтган йили ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, маънавиятини бойитиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, олий ўқув юртлари ҳамда коллежларда таҳсил олаётган 59 нафар иқтидорли талаба касаба уюшмаларининг 6,9 млн. сўм устама стипендиясини олди. Кам таъминланган оилаларнинг 3800 нафар аъзоси учун 68,5 млн. сўм сарфланиб, Тошкент шаҳри ва вилоятининг диққатга сазовор жойлари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳат уюштирилди. Шунингдек, фарзанд кўрмаган ёш оилаларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси курортлар бошқармасига қарашли «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли равишда 6,2 млн. сўмлик 28 та йўлланма ажратилди.

Ёзда болалар оромгоҳларида меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернат тарбияланувчиларининг 270 нафари, коллежларда ўқиётган 250 нафар етим бола ёшини эътиборга олиб алоҳида смена ташкил этгииан ҳолда соғломлаштирилди.

Жойларда ўзбек халқининг урф-одатлари, миллий анъаналарини сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ёш оилаларнинг ўрни мавзусида учрашувлар ўтказилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кишилар дунёқарашини юксалтирадиган, одамларга маънавий озиқ берадиган тадбирларни уюштиришда кутубхона, клуб, маданият саройларидан кенг фойдаланиш самарасини беради. Вилоятдаги касаба уюшмаларига қарашли «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг «Металлург», «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Металлург», «Аммофос» ОАЖнинг «Кимёгар» маданият саройлари ана шундай масканлардан ҳисобланади. Бу маданият муассасаларининг моддий техник базасини бойитиб боришда корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг ўрни салмоқлидир. Ижтимоий ҳамкорлик натижасида бу муассасалар нафақат корхона, балки шаҳар ва вилоят миқёсида гавжум марказга айланмоқда. Уларда 50 дан ортиқ тўгарак ишлаб турибди. Ҳар йили мазкур саройларда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда 900 мингдан зиёд киши иштирок этмоқда.

**Эътиборхон РАҲМОНОВА,**
**Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири**

# Ипаклари тиллодан



Яқинда 2-синфда ўқийдиган набирам Барчиной мактабдан қайтибоқ:

— Оппоқдада, менга ҳам Зулфияники сингари тилло дўппи олиб беринг, — деб қолди.

— Тилло дўппи қанақа бўларкан, мен бир кўрай, кейин олиб бераман, — дея набирамга жавоб қайтардим.

— Болалар тилло дўппи дейишади. Ўзи аслида зардан тикилган, — гап қўшди рафиқам. — Беруний маҳалласидан Лобархон деган аёл тикаяпти.

Хуллас, мен пул берадиган, бувиси Барчинойни «Чорсу» бозорига етаклаб бориб, «тилло дўппи» олиб берадиган бўлдик.

Қиз бола кийим гадоси, деганларидек олтиндек товланиб турган янги дўппи жуда ярашибди унга.

— Чевар дўппи тикишни роса қотирибди, — дедим қойил қолганимни яшира олмасдан. Ҳақиқатан, Лобархон уста чевар экан. Дўппи эмас, санъат намунасини яратибди. Қаранг, бирон жойида нина ўрни билинмайди. Гуллари гўёки чизилганга ўхшайди. Бутун бир дўппида тирноқдек очиқ жой йўқ. Гўёки, яхлит гул қўндириб қўйилгандек.

Лобархон сингариларни одатда, «туғма талант», «онаси қорнидан чевар бўлиб туғилган», дейишади.

— Эсимни танибманки, шу ҳунарни биламан, мурғаклигимданоқ ҳовлимизга қизлар, келинчаклар тўпланиб олишиб дўппи тикишгани кўз олдимда, — дейди у.

Лобархон биринчи синфга бормасдан дўппиларга жияк тикарди, пилта ўтказар, тахтакачларга қўйишни эплаштирарди. Хуллас, ўнинчи синфни битиргунча тиккан дўпписи гулига қараб номи айтиладиган чеварга айланди. Муҳими, унинг қўлидан чиққан турли нусхадаги эркаклар, қизалоқлар, келинчаклар ва қизлар дўппиларининг таърифи шаҳарга овоза бўлди.

У келинчаклигида ҳам ўзи севган ҳунарни давом эттирди. Ҳаёт бир қўли билан сийлаб сийпаса, иккинчисида тарсакилайди, деганлари рост экан.

### Халқ ҳунармандчилиги

Турмушлари кун сайин фаровонлашиб бораётганида ишдан касалланиб қайтган эри Муҳитдин уч кунгина ётиб оламдан ўтди. Кейинги вақтда дўппичилик билан камроқ шуғулланган Лобархон яна нина тутишга мажбур бўлди. Ахир, энди болаларига ҳам она, ҳам ота ўрнини босиши керак эди-да. Шу пайтда тағин эски ҳунари дўппичилик қўл келди. Аста-секин вояга етаётган қизлари қаторига кирди. Олдинига тўнғич қизи Малоҳат, кейин бирин-кетин унинг сингиллари...

— Ҳозир Малоҳат билан Машҳура тиккан дўппилар бозори чаққон, — дейди «Гулистон» маҳалла оқсоқоли Баҳромжон ака Саидов. — Улар бири иккинчисидан чиройли, турли кўринишдаги дўппилар тикиб харидорлар эътиборини қозонишяпти. Ҳозирдаёқ мижозлар қизлар номини айтиб дўппи сўрашяпти.

— Олдинлари дўппини тикишга тикиб қўйиб, сотишга келганда юрак ҳовучлардик. Бозорда «қувди-қувди», «қоч-қоч» юз бериб турарди-да, — дейди Л.Ҳасанова. — Ҳар қанча патта пули тўламайлик, қонунга зид иш тутяпсан, деб неча марталаб тиккан дўппиларимизни олиб қўйишган, ўзимизни сўроқ қилиб бошимизни қотиришган. Шукурларким, истиқлолдан сўнг биз сингари ҳунармандларга офтоб нурини таратди. Эндиликда олдингидек «қувди-қувди» ўрнига зарур шарт-шароит яратиб беришяпти, ҳар тарафлама кўмак кўрсатишяпти.

— Ҳозиргача уй меҳнати билан шуғулланаётган 35 нафар хотин-қизни аниқлаб, рўйхатга олганмиз, — дейди Баҳромжон ака гапини давом эттириб. — Улар орасида ўнга яқин дўппидўзларимиз бор. Чеварларга зарур шарт-шароит яратиб беряпмиз. Хом ашё топишларига кўмаклашяпмиз. Ахир, ўзбек борки, тўй ва маросимларда дўппи киймасдан иложи йўқ. Дўппи ўзбекнинг ўзбеклигини билдирадиган белгилардан.

Шундай экан, дўппиларимиз бор бўлсин. Чеварлар қўли билан яралган Чуст дўппилари қизларимиз бошида миллий ўзига хослигимизни оламга кўз-кўз этаверсин.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Дон — ризқ-рўзимиз



*«Тахиатош-дон» акциядорлик жамияти жамоаси ўтган йили 37 минг 526 тонна буғдойни қайта ишлади.*

*Корхонада ишлаб чиқарилаётган ун, макарон ва нон маҳсулотлари истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.*

*Айни пайтда корхонада дон маҳсулотларини вақтида қабул қилиш учун барча шароитлар яратилган.*

**Суратларда: лаборатория ходими Насиба Ҳасанова; ишчилар Мухтор Матмуродов, Қуан Кучербоев.**

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар**



# Истеъмолчи нега норози?

**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш — давр талаби. Меҳнаткашлардан келаётган мурожаатномалар айнан ҳозирги куннинг ҳаётий муаммолари ўз ифодасини топганлиги билан диққатга сазовордир.**

Хусусан, Косон тумани Пахтазор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 1/6-уй, 28-хонадонда яшовчи Ҳабиб Эшқувватов вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг «Ишонч» телефони орқали мурожаат этиб, «Беҳруз» хусусий савдо дўконида аҳолига ажратилган ўсимлик (пахта) ёғини тарқатиш асносида макарон, гуруч, шакар, хўжалик совуни, ош тузи, чой ва гугурт қўшиб сотилаётгани, ушбу маҳсулотларни олишдан бош тортган кишиларга ўсимлик ёғи берилмаётганлигини хабар қилади.

Мазкур мурожаатнома ўрганиб чиқилганда, келтирилган далиллар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам аҳоли учун ажратилган 1600 кг. 2 литрли ПЭГ идишларга қадоқланган ўсимлик ёғини тарқатиш чоғида сотувчи И.Ахтамов томонидан юқорида қайд қилинган маҳсулотлар қўшиб сотилганлиги харидорлар норозилигини келтириб чиқарган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасида ҳар бир киши товарни эркин танлаш орқали сотиб олиш ҳуқуқи кафолатланган.



Мухбиримиз бонг уради

Деҳқонобод тумани Қарашина қўрғони М.Турсунзода номли маҳаллада истиқомат қилувчи Р.Эшмуродов аризасида «Аброр» хусусий дўкони сотувчиси Р.Ҳасанов аҳолига тарқатилаётган ун маҳсулотларини белгиланган нархдан ошириб пуллаётганлиги баён этилган. Ўтказилган текширишлардан сўнг, сотувчи ҳисобидан маҳаллада яшовчи аҳоли фойдасига 247 минг сўм ундириб берилди.

Чироқчи тумани Чорвадор қишлоғилик К.Оромовнинг аризаси ўрганилиб, ун ва ёғни ошириб сотилганлиги аниқланиб, қишлоқ савдо дўконидан харидорлар фойдасига 201,6 минг сўм ундирилди.

Яккабоғ туманидаги Ибн Сино номли фуқаролар йиғини Чинорли қишлоғида яшовчи Б.Абдиев ва Қарши тумани Мустақиллик қўрғонида истиқомат қилувчи С.Қўзиевларнинг мурожаатлари асосида Яккабоғдаги «Ширмой нон», Қарши туманидаги «Керайит» хусусий фирмаларига нисбатан иш қўзғатилди ва маҳсулотлар ошириб сотилганлиги учун 1167,2 минг сўм истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Қарши шаҳри Қавали кўчаси 32-уйда яшовчи Г.Алимова аризасида Қарши буюм бозори ҳудудида савдо қилувчи якка тадбиркор Н.Рашидовдан 160 000 сўмга аёллар пальтоси сотиб олганлиги, лекин кийимнинг нуқсони борлиги сабабли алмаштириш учун олиб борганда, сотувчи бундан бош тортганлигини ёзган. Мурожаат вақтида ўрганилиб, амалдаги қонун талабига мувофиқ, пальто сотиб олиш учун тўлаган пул аризачига қайтарилди.

Ғузор тумани Миришкор қишлоғилик Қ.Бердиевга 60000 сўм, Қоркўмди қишлоғилик Ш.Нуралиевга 77000 сўм, Яккабоғ тумани Кенгузор қишлоғилик М.Ўринова ва Т.Мейлиеваларга 213000 сўм нуқсонли мол сотган сотувчилар ҳисобидан ундирилди.

Қарши шаҳридаги «Камалак», «Хонадон истиқболи», «Ватанпарвар», «Манзилобод», «Туркистон», «Чилонзор» ва бошқа уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўп қаватли турар-жойларни жорий таъмирлаш бўйича 5409 минг сўмлик иш бажарилмай қолганлиги аниқланиб, амалга оширилмаган юмушлар қайтадан адо этилди.

Вилоят маркази 6-митти туман 1/10-уй, 11-хонадонда яшовчи Т.Шестональ аризасига асосан вилоят «Иссиқлик сув манбаи» корхонаси томонидан иссиқ сув учун ортиқча пул олингани аниқланиб, истеъмолчи фойдасига 20776 сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди. 1-митти туман 11-уй 17 хонадонда истиқомат қилувчи Л.Ашурова «Камолот» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли турар-жойдаги қувурлар сифатсиз таъмирланганлигини маълум қилган. Ҳудудий бошқарма ходимларининг аралашуви билан 41100 сўмлик иш бажарилиб, қувур қайта таъмирлаб берилди.

— Ўзим бетобман, — деб ёзади аризасида Қарши шаҳрининг Сутчилар кўчаси 20-уйда яшовчи Ч.Жўраев, — умр йўлдошим анчадан бери кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Қўшнининг уйида янги фарзанд дунёга келган. Буни қарангки, Қарши шаҳар электр тармоқлари идораси назоратчилари ҳеч кимни хабардор қилмасдан электрни узиб кетишибди.

Маълум бўлдики, Наво маҳалласи фуқароларининг эътиборсизлиги боис электр энергияси тўловларидан катта миқдордаги қарздорлик вужудга келган. Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг аралашуви билан энергия таъминоти тикланди ва тўловлардан қарздорликни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Истеъмолчилар ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилинади. Аммо шу ўринда ҳар бир киши ўз бурчини виждонан адо этса, муаммолар бўлмаслигини ҳам эслатиб қўймоқчи эдик.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Сўраган эдингиз...

# Кимга? Қачон? Қай тартибда?



***Эл дардини тинглайдиган, англаган мамлакатгина барқарор ривожланишда давом этади. Шу боис қонунчилигимизда фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда 290 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат шу соҳанинг ривожланишига туртки бўлаяпти. Мурожаат этиш фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари сирасига кириб, у инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш имкониятини яратади. Бунда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун муҳим рол ўйнайди. Ушбу ҳужжатда мурожаатларнинг тури кўрсатиб ўтилган. Қонунга кўра мурожаатлар ариза, таклиф, шикоят кўринишида бўлади. Мурожаатни қабул қилаётган мансабдор шахс бунга алоҳида эътибор қаратиши лозим.***

Ариза — фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамиятни такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаати ҳисобланади.

Шикоят — фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар давлат органлари қатори суд идораларига ҳам ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган. Фуқароларнинг бирор низоли масалани ҳал этишни сўраб судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши, суд ҳал қилув қарорини чиқаргач, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, юқори инстанция судларига апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят билан мурожаат қилиши муддати ва уларни кўриш тартиби Фуқаролик-процессуал кодекси билан тартибга солинади. ФПК судга мурожаат этаётган фуқароларнинг даъво аризаси, ариза ва шикоятини мазмунан кўриш ҳамда ҳал этиш учун белгиланган процессуал тартиблари билан фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатини тартибга солувчи «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонундан фарқланади.

ФПК фуқаролик ишларини кўришда одил судловни амалга оширишни кафолатлаб, фуқаролик ишида қатнашувчи шахсларнинг ҳаракатларини қонун асосида тартибга солиб, суд қарорларининг ижро этилиши тартибини ҳам қамраб олади.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда давлат органлари ва муассасаларига фуқаролар ёзма ёки оғзаки тарзда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг бир хил аҳамиятга эгалиги айтилган. ФПКнинг 148-моддасига кўра судга фуқаролар фақатгина ёзма шаклда ариза беришлари шарт ва ушбу аризага биноан фуқаролик иши қўзғатилади.

Қайд этилган қонунда фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоят бериши учун муддат белгиланмаган. Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар содир этилгани маълум бўлиб қолган пайтдан бошлаб узоғи билан бир йил ичида берилади.

Бу муддат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганида ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи орган томонидан тикланиши мумкин.

ФПКнинг 269-моддасига кўра бўйсунув тартибидаги юқори орган ва мансабдор шахс мурожаатни бир ой муддатда кўриб чиқиши шарт. Мабодо фуқаронинг шикоятига рад жавоби берилса ёки у юқоридаги муддат ичида жавоб олмаса, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Мазкур кодекснинг 270-моддасида судга шикоят билан мурожаат қилиш учун муддатлар белгиланиб, ушбу муддатлар қуйидагилардан иборатдир:

фуқарога ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилгани маълум бўлган кундан эътиборан уч ой;

фуқаро юқори органдан, мансабдор шахсдан шикоятини қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой муддатда ёки шикоятига ёзма жавоб олмаган тақдирда шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ўтгандан сўнг.

Шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда суд бу муддатни тиклайди.

Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ умумий даъво муддати уч йилдир. Айрим турдаги даъволар учун умумий даъво муддатига қараганда суд узайтирилган ёки қисқартирилган муддатни белгилаши мумкин.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида ариза ва шикоятлар ҳал этиш учун давлат органига тушган кундан бошлаб 1 ойгача бўлган муддатда, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши белгиланган. Ариза ва шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ва шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан узоғи билан бир ойга узайтирилишига рухсат этилади ва бу муаллифга маълум қилиниши шарт.

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиб кўриб чиқиш борасида суд идоралари бошқа органлардан фарқланса-да, судлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қила олувчи ягона асосий орган ҳисобланиб, шикоят ва аризаларни белгиланган тартибда ва муддатда адолатли ҳал этиш учун барча норматив ҳужжатларга эга. Бу ҳолат фуқароларнинг суд идораларига ишончини орттиради.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорликка, расмиятчиликка йўл қўйиш, кўриб чиқиш муддатини бузиш, мурожаатларни асоссиз равишда қабул қилмаслик, қонунга зид хулосалар чиқариш, мурожаатда баён этилган танқид учун таъқиб қилиш маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

**Х.ҚЎШМАТОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди раиси**

## Фавқулодда қўниш



Пайшанба куни Нью-Йоркдаги Гудзон дарёсига қўнган А320 йўловчи ташувчи самолёт ҳалокати оқибатида камида 78 киши жабр кўрган.

Маълумотларга қараганда, самолёт бортида жами 155 нафар йўловчи бўлган. Қурбон бўлганлар ҳақида маълумот йўқ. Стюардессалардан бирининг оёғи синганини айтмаса, ҳеч ким жиддий шикастланмаган.

Ҳалокатга учраган А320 аэробуси «Ла Гуардиа» аэропортидан маҳаллий вақт билан 15.03 да Шимолий Каролина штатининг Шарлотта шаҳрига йўл олган. Ҳавога кўтарилгач, учувчи қушлар билан икки бор тўқнашиб кетганлиги, оқибатда, ҳар икки двигател ишдан чиққанлигини маълум қилади. Диспетчер унга аэропортга қайтиш тўғрисида кўрсатма беради. Бироқ учувчи яқинроқдаги «Тетерборо» аэропортига қўниш учун рухсат сўрайди ва шундан сўнг у билан алоқа йўқолади. Кейинроқ самолётнинг Гудзон дарёсига қўнгани ҳақида хабар келади.

Бир неча соат ичида самолётнинг асосий қисми сув остида қолди. Воқеа жойига етиб келган қутқарувчилар барча йўловчи ва экипаж аъзоларини қуруқликка олиб чиқишга улгуришди. Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберг экипаж командирига фавқулодда вазиятда кўрсатган жасорати учун миннатдорчилик билдирган.

## Олам ва Одам

## Ким Чен Ирнинг вориси



Ким Чен Ир ўзидан сўнг Корея меҳнат партияси раҳбарлиги лавозимини эгаллайдиган шахснинг исмини маълум қилди. У КХДР раҳбарининг ўғли Ким Чен Ундир.

Ким Чен Ун ҳозир 25 ёшда. Ким Чен Ир отаси уни ўз меросхўри деб эълон қилганида 32 ёшда эди. Ким Чен Уннинг меросхўр сифатида эълон қилиниши эса партия лидерлари учун кутилмаган воқеа бўлди.

Меросхўр Берн халқаро университетида таълим олган. Пхенянга қайтгач, у ҳақидаги барча маълумотлар сир сақланган. Шимолий Корея раҳбари меросхўрни кутилганидан олдин эълон қилди. Бу унинг соғлиғи билан боғлиқ. Айрим маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг августида КХДР раҳбари инсултни бошидан ўтказган. Феврал ойида эса у 67 ёшга тўлади.

## 2008 йилнинг энг машҳур ёзувчиси



«Шамол ортидан югураётган одам» ва «Мингта порлоқ қуёш» номли асарлар муаллифи Холид Ҳусайн 2008 йилда ойлик китоб сотуви рейтингларида тўққизта мамлакат — Франция, Германия, Италия, Нидерландия, Хитой, Испания, Швеция, Буюкбритания ва АҚШда энг юқори поғонани забт этди. «The Guardian» газетаси шарҳловчисининг таъкидлашича, қанча китоб сотилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқлиги ҳам Ҳусайннинг йилнинг энг машҳур ёзувчиси деб эътироф этилишига тўсқинлик қилмайди.

Иккинчи ўринни 2004 йили вафот этган швед ёзувчиси Стиг Лерссон эгаллади. Унинг ўлимидан сўнг илк бор чоп этилган детектив асарлари Европа ва АҚШда кўплаб нусхада сотилмоқда. Учинчи ўрин эса Кен Фоллетга насиб этди. Испанияда унинг триллерлари шунчалик машҳурки, бу мамлакатда ушбу ёзувчига ҳайкал қўйилган.

## Бушнинг хайрлашув нутқи



АҚШ президенти Жорж Буш мамлакат халқига хайрлашув нутқи билан мурожаат қилди. Бу унинг президент сифатидаги сўнгги чиқишидир. Оқ уйнинг шарқий кабинетида қилинган нутқ маҳаллий телеканалларнинг аксарияти томонидан намойиш этилди.

Хайрлашув нутқида Жорж Буш ўзининг 8 йиллик фаолиятига баҳо берар экан, унга қадар ушбу лавозимда ишлаганлар каби у ҳам муваффақиятсизликлардан холи бўлмаганлиги, бироқ доимо АҚШ манфаати йўлида ҳаракат қилганини таъкидлади. Американинг янги сайланган раҳбари Барак Обаманинг вазифасига киришиши маросими ҳақида гапирар экан, Буш уни америкаликлар учун «умид ва ифтихор лаҳзаси» деб атади.

Шунингдек, Буш дунёдаги ёвузлик ва эзгулик ҳақида сўз юритиб, улар ўртасида ҳеч қандай муроса бўлиши мумкин эмаслигини қайд этиб, фуқароларни улардан бирини танлашга чақирди. Буш иқтисодий инқироз, миллий хавфсизлик ва терроризм масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Эслатиб ўтамиз, Барак Обаманинг президентлик лавозимига киришишига бағишланган маросим 20 январ куни Вашингтонда бўлиб ўтади. Маросимда Жорж Буш ҳам иштирок этади ва бу унинг омма олдида давлат раҳбари сифатидаги сўнгги чиқиши бўлади.

## Олмоқнинг бермоғи...



2008 йилда Грузиянинг ташқи қарзи 50,3 фоизга ўсиб, 2 млрд. 691 миллион долларга етди. Ушбу сумманинг асосий қисми халқаро молия институтларига тегишлидир. Шундай қилиб, Грузия халқаро молия институтларидан 465,1 млн., Жаҳон банкидан 988 млн., Осиё тараққиёт банкидан эса 73 млн. доллар қарздир.

Кредитор мамлакатлар олдидаги қарзлар эса 2008 йилда 531,3 млн. долларгача ўсган.

Жаҳон банки ва БМТнинг баҳолашича, август воқеаларидан сўнг иқтисодиётни оёққа турғазиш ва гуманитар ёрдамлар учун яқин йилларда Грузияга 3,25 млрд. доллар керак бўлади. Ўтган йилнинг октябр ойигача мамлакат иқтисодиётига кўрсатилган халқаро ёрдам 4,55 млрд. долларни ташкил этган.

***Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 27 мартдаги ҳукми билан «Авто макон ижара» МЧЖ директори Н.М.Қодиров ва бошқалар фирибгарлик ва ҳужжатларни сохталаштириш жиноятларини содир қилиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Амнистия акти туфайли уларнинг иши енгил кўчди. Аммо жабрни 32 тадбиркор кўрди. Улар сотиб олган дўконлар аввалги эгасига қайтарилди.***

# Ўттиз икки тадбиркор ва...




Аслида нима бўлган эди? «Тошкент сармоя» молия инвестицион компанияси ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг 2003 йил 25 июнда умумий йиғилиши ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарининг «Авто макон» савдо ярмарка мажмуаси ёпиқ акциядорлик жамияти таъсисчилари улушининг 50 фоизини «Тошкент сармоя» молия инвестицион компанияси ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорлари ҳисобига ўтказиш ҳақидаги хати муҳокама қилинди.

Мажлисда Кузатув кенгаши раиси Д.Лим, «Тошкент сармоя» молия инвестицион компанияси ёпиқ акциядорлик жамияти раиси А.Муллажонов, «Холдинг групп» очиқ акциядорлик жамияти молия инвестицион компанияси бош директори А.Югай, «Авто макон» савдо ярмаркаси мажмуаси ёпиқ акциядорлик жамияти бош директори С.Тошев, бошқарув раиси Т.Исмоилов маъруза қилди. Мажлисда сўзга чиққанларнинг фикри эътиборга олиниб, барча, яъни 1084 та дўконни биржа савдоси орқали савдога қўйиш ва 542 та дўкондан тушган маблағни «Тошкент сармоя» ЁАЖ МИК ҳисоб рақамига йўналтириш ҳақида қарор қабул қилинди.

2003 йил 3 октябр куни Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳар бирининг умумий майдони 18 м² га тенг бўлган 1084 та дўконни биржа савдоси орқали сотиш ҳақида қарори чиқди. Бундан аввалроқ, яъни 14 май куни ҳар бир дўконнинг нархини 3.000.000 сўм қилиб белгилаш тўғрисида ҳам қарори чиққан эди. Шу асосда дўконлар Тошкент шаҳар муниципиал биржа маркази орқали жисмоний шахсларга сотилди. Бўлажак дўкондорлар баъзилари нақд пул, баъзилари пул кўчириш орқали тўловни амалга оширдилар. Дўконлар ер ресурслари ва давлат кадастри рўйхатидан ўтказилди. Гувоҳномаларни қўлга олишиб, дўкондор бўлдик дея севинишди. 3-4 йил фаолият кўрсатишди. Таъсисчи ёхуд унинг аъзолари, давлат ва назорат органлари дўконларнинг сотилиши ва тасарруф этилишига эътироз билдирмади.

2007 йил 26 июн куни Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси томонидан «Авто макон» СЯМ МЧЖ мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва бошқа моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинди.

Жиноят иши бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 27 март кунги ҳукми билан А.Бобожонов «Авто макон» СЯМ МЧЖ ва «Даврбанк» ХЕАТБ 3-махсус касса муҳрларини қалбакилаштириб тайёрлаганликда, Н.Қодиров ва О.Турғунбоев ушбу муҳрдан фойдаланган ҳолда «Авто макон» СЯМ МЧЖ балансида бўлган дўконларни ўзларининг танишлари номига расмийлаштириб, бошқа фуқароларга сотилгани ҳақида ҳужжатларни, Б.Айтмуродовнинг имзоларини қалбакилаштириб фуқаролардан фирибгарлик йўли билан дўкон учун нақд пул олиб «Даврбанк» ХЕАТБ Сергели минибанки кассасига кирим қилингани ҳақидаги квитанцияларнинг бир қисмини сохталаштирганликда, А.Қосимов ва А.Саидмуҳаммедов фуқаролардан фирибгарлик йўли билан олинган пулларнинг бир қисми кассага кирим қилинганлиги ҳақида сохта квитанциялар тайёрлаганликда, Б.Айтмуродов дўконлар сотилиши ҳақидаги сохта ҳужжатларни шахсан имзолаб, корхоналар ҳисобини белгиланган тартибда юритмасдан, раҳбар сифатида умумий назоратни амалга оширмаганлиги учун айбдор деб топилган.

Суд судланувчиларнинг жиноий ҳаракатлари оқибатида «Авто макон» СЯМ МЧЖ балансида бўлган жами қиймати 166.700.000 сўмлик дўконлар ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилинган деб топган. Лекин бу сумманинг ҳаммаси ҳам судланган шахслар томонидан ўзлаштирилмаган, чунки айрим тадбиркорларнинг ўзлари ушбу дўконни сотиб олиш учун пулни «Даврбанк»нинг ўзига бориб кассага кирим қилганлар. Бу фактлар эса дастлабки тергов органи томонидан ҳам, суд томонидан ҳам текширилмаган.

Юқорида номлари кўрсатилган фуқаролар дўконларни сотиб олаётганида ҳужжатлар қалбакилаштирилганидан бехабар бўлган, дўкон учун тўланадиган пулни эса «Даврбанк» миникассасига ўзлари бориб тўлашган ва тўлов квитанцияларини тўлиқ қўлларига олганлар.

Шуниси эътиборлики, Расулов Даврон Абдуразоқовичга тегишли 7/1-блок 13-сонли дўкон, Расулов Абдураззоқ Абдужабборовичга тегишли 1/3-блок 4-сонли дўкон, Сотволдиев Маҳмуд Маматқосимовичга тегишли 8/3-блок 10-сонли дўкон, 7/3-блок 12-сонли дўкон ва 8/1-блок 7-сонли дўкон, Сотволдиев Адҳам Маматқосимовичга тегишли 8/2-блок 22- ва 23-сонли дўконлар, Раҳмонов Раҳмон Сотимовичга тегишли 3/3-блок 23-сонли дўкон, Ҳакимов Музаффар Эркиновичга тегишли 12/4-блок 21-сонли дўкон, Шукуров Азимжон Нигмановичга тегишли 8/4-блок 10-сонли дўкон, Убайдуллаев Аброр Садруллаевичга тегишли 5/1-блок 19-сонли дўкон, Исроилов Тўлқин Олмабоевичга тегишли 6/1-блок 17-сонли дўкон, Миржалилов Миркамол Миржалиловичга тегишли 7/3-блок 11-сонли дўкон, Нигматов Равшан Тоировичга тегишли 7/1-блок 3-сонли дўкон, Кочкартаев Санжар Сайдиганиевичга тегишли 4/3-блок 2-сонли дўкон ва Губайдуллин Марат Рифгатовичга тегишли 12/3-блок 11-сонли дўконларнинг пули «Авто макон» СЯМ МЧЖ ҳисоб рақамига келиб тушган бўлса-да, лекин суд ўзининг ҳукмида мазкур ҳолатни умуман инобатга олмаган.

Бундан ташқари, «Авто макон» СЯМ МЧЖ ҳудудида жойлашган дўконларни қонуний йўл билан эгаллаган юқоридаги фуқароларнинг қонуний эгалиги даврида на таъсисчи, унинг аъзолари ёки бўлмаса на давлат ва назорат органлари томонидан дўконларнинг сотилиши ва тасарруф этилишига эътироз билдирилмаган бўлса-да, мазкур жиноят ишини судда кўриш давомида «Карвон холдинг» юридик бошқармасининг бошлиғи («Авто макон» СЯМ МЧЖнинг ишончли вакили) А.М.Қурбонов «Тошкент сармоя» ЁАЖ билан Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 1084 та дўконнинг 50 фоизи, яъни 542 та дўкон «Тошкент сармоя»га ва таъсисчилар — «Холдинг групп» МЧЖ, «Лантих» МЧЖ, «Караван суғурта» МЧЖ, «Караван суғурта» ЧАКБ, «Караван прим» ХФга тегишли бўлганини, ҳокимият ўзининг улуши бўйича дўконларни сотиб бўлганини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 3 октябрдаги 1084 та дўконни сотиш ҳақидаги 615-сонли қарорини ноқонуний деб топиб, 413 та дўконни таъсисчиларга қайтариш тўғрисида судга даъво киритган.

Суд эса юқоридаги фактларни инобатга олмасдан асоссиз равишда даъвони қаноатлантирган ва сотилган барча дўконларни «Авто макон» СЯМ МЧЖга қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиб, у ерда фақатгина 56 та дўконнинг қайтарилишини кўрсатган.

Ҳукмдан норози бўлиб, апелляция тартибида шикоят берилган эди. Бироқ жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция судлов ҳайъатининг 2008 йил 23 май кунги ажрими билан биринчи босқич судининг ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 11 сентябр кунги «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига асосан: «Моддий зарар судланувчи ва жиноят ишининг қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахснинг биргаликдаги жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган ҳолатда суд зарарни тўла қоплаш мажбуриятини маҳкум зиммасига юклайди. Иши алоҳида юритувга ажратилган шахсга нисбатан кейинчалик айблов ҳукми чиқарилаётганда суд унинг зиммасига муқаддам судланган маҳкум билан биргаликда зарарни (солидар) қоплаш мажбуриятини юклатиши мумкин.

*«Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин».*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан**

Агар моддий зарар судланувчи ва иши унга нисбатан тугатилган шахснинг биргаликдаги жиноий ҳаракатлари оқибатида етказилган бўлса, суд зарарни тўла ҳажмда қоплаш мажбуриятини маҳкумга юклайди ва фуқаровий даъвогарга иши ҳаракатдан тугатилган шахсга нисбатан маҳкум билан биргаликда етказилган зарарни солидар тартибда ундириш юзасидан фуқаролик ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқини тушунтиради», — деб кўрсатилган.

Юқорида номлари қайд қилинган хусусий тадбиркорларнинг ушбу дўконларда бир неча йилдан буён савдо-сотиқ билан шуғулланиб келишига қарамай ҳозирги кунга келиб суднинг ҳукми билан бир зумда дўконлардан маҳрум бўлиши адолатдан бўлармикан?

«Авто макон» СЯМ МЧЖ мансабдор шахслари томонидан фирибгарлик йўли билан ҳужжат ва муҳрларнинг қалбакилаштирилиши фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари поймол қилиниши билан якунига етиши хусусий тадбиркорларнинг норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Саволлар туғилаверади. Нега бундай бўлди? Тадбиркорларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилди. Ахир тадбиркорлар мазкур дўконларни биржа савдоси орқали, айримлари эса нотариал тартибда нақд пулга сотиб олиб, давлат кадастри рўйхатидан ўтказиб расмийлаштириб олган эдиларку. Тўланган пуллар учун берилган квитанциялардаги муҳр қалбакилаштирилганидан хабарлари бўлмаган. Энг ачинарлиси, тадбиркорларнинг дўконларни сотиб олиш учун тўлаган пуллари «Авто макон» СЯМ МЧЖ ҳисоб рақамига тушган.

Нима сабабдан «Авто макон ижара» МЧЖ директори лавозимида ишлаган Н.М.Қодиров, шунингдек «Авто макон» СЯМ МЧЖ директори Б.Д.Айтмуродовлар улардан дўкон учун шартномаларга биноан банк квитанциялари асосида олинган пулларни ўзларининг ташкилотларига кирим қилмасдан ўзлаштириб юборган бўлса, тадбиркорлардан дўконларни қайтариб олиш эмас, уларнинг ўзларидан зарарни «Авто макон» СЯМ МЧЖга ундириш масаласи кўрилмаган?

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан 1997 йил 2 сентябр, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси томонидан 1997 йил 17 декабр, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан 1997 йил 10 декабр, Давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқарув давлат қўмитасининг 1997 йил 29 декабрдаги ва Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси томонидан 1997 йил 2 сентябрда тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1998 йил 7 январда 387-рақам билан рўйхатга олинган «Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақида»ги йўриқнома мавжуд. Унда давлат кадастри томонидан қонуний рўйхатга олинган, хусусийлаштирилган мулк эгалиги ва унинг дахлсизлиги белгилаб берилган.

Йўриқноманинг 13-моддасига назар ташлайдиган бўлсак, шундай эътироф этилган:

«Бино ва иншоотларни рўйхатга олишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Рад қилмаслик принципи. Мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг асосий мақсади — мулк ҳуқуқини рад этиб бўлмаслиги ҳисобига унинг эгасининг ҳуқуқини таъминлаш. Мулкни рад этиб бўлмаслик ҳуқуқи йўқ қилиниши, бекор қилиниши, юридик кучдан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Мулк ҳуқуқининг рад этиб бўлмаслиги мазкур мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини исботлайди».

Ушбу йўриқнома апелляция босқичи жараёнида ёритиб берилиб, унинг ксеронусхаси суд ҳайъатига тақдим қилинган эди, лекин судлов ҳайъати томонидан ушбу йўриқнома нимагадир умуман ўрганиб чиқилмасдан асоссиз равишда ҳукмни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқарилди.

Ҳозирги кунда барча юқори инстанцияларга тегишли тартибда шикоятлар киритилган.

Билмадик. Ёки биз қонунни нотўғри талқин қилаяпмизми?

**Сухроб МУСАБЕКОВ,**
**адвокат**

